



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 14 » fevral

№ 91

Toshkent sh.

### Мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестациядан ўtkазиш ҳамда таълим сифати мониторингини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 майдаги ПФ-79-сон Фармони ҳамда “Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПҚ-241-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестация ҳамда давлат аккредитациясидан ўtkазиш тартибини тасдиқлаш, хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

**Мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестациядан ҳамда давлат аккредитациясидан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

**Давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

#### 2. Белгилансинки:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан юритиладиган реестрга киритилган ҳамда республикада тан олинадиган **халқаро аккредитация ташкилотлари аккредитациядан ўtkazgan умумий ўрta таъlim ташкилотлари** навбатдаги давлат аккредитациясидан ўтган ҳисобланади;

мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестация ҳамда давлат аккредитациясидан Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан **келишилган ҳолда ўtkaziladi**;

таълим ташкилотларига давлат аккредитациясидан ўтганлиги тўғрисида электрон шаклдаги сертификатни бериш тизими йўлга қўйилади;

давлат умумий ўрта таълим ташкилоти ҳар йили хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини ўтказиш учун ўз **фаолиятини ички баҳолайди** ва унинг натижаси бўйича тўпланган маълумотлар ҳамда материалларни онлайн тарзда таълим сифати мониторинги электрон платформаси орқали Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига юборади;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган **таълим сифати мониторингини амалга оширади**.

3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **2024 йил 1 августга қадар** ўзининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш натижасида тўпланган маълумотларни онлайн тарзда олиш ва юбориш имконини берадиган **таълим сифати мониторинги** ҳамда **аккредитация** электрон платформасини ишга туширсин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги:

**mandat.uzbmb.uz** электрон платформаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг таълим сифати мониторингини юритишга мўлжалланган электрон платформасига “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинишини;

**ҳар йили 10 октябрга қадар** олий таълим ташкилотларига қабул имтиҳонларида қатнашган умумий ўрта таълим ташкилотларининг битирувчилари сони, уларнинг фанлар кесимидағи ва жами тўплаган баллари бўйича маълумотлар электрон ахборот алмашинуви орқали Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири **Ҳ.Ў. Умарова** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “14” февралдаги 91-сон қарорига  
1-илова

**Мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестациядан  
ҳамда давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги  
Қонунига мувофиқ идоравий мансублиги ва ташкилий-хуқуқий шаклидан  
қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг давлат ва нодавлат мактабгача  
ҳамда умумий ўрта таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда – таълим  
ташкилотлари) аттестациядан ва давлат аккредитациясидан (кейинги  
ўринларда – аккредитация) ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом психик ривожланиши суст бўлган болалар учун  
мактаб-интернатлар, ақли заиф болалар учун (ёрдамчи) мактаблар  
ва мактаб-интернатларга ҳамда кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача  
таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Таълим ташкилоти аттестацияси (кейинги ўринларда – аттестация)  
ва аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги  
Қонунида ҳамда ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида ўтказилади.

Таълим ташкилотлари аттестациядан ва аккредитациядан ушбу Низомга  
1-иловага мувофиқ схема бўйича ўтказилади.

3. Аттестация таълим ташкилотининг фаолиятини баҳолашда давлат  
назоратининг асосий шакли ҳисобланади ва унинг мақсади таълим  
ташкилотларида таълим сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат  
таълим талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Таълим ташкилотлари аккредитациядан Ўзбекистон Республикаси  
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ёки  
таълим ташкилотларининг хоҳишига кўра республикада тан олинган халқаро  
аккредитация ташкилотлари томонидан аттестацияга асосан ўтказилади.

4. Қўйидагилар аттестациянинг асосий принциплари ҳисобланади:  
мустақиллик;  
холислик;  
ошкоралик;  
шаффофлик;  
даврийлик;  
мажбурийлик.

5. Аккредитация таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим  
стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқлиги давлат томонидан  
эътироф этилиши ва ушбу ташкилотларга ўз битирувчиларига давлат  
намунасидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш хуқукини  
беришдан иборат.

6. Янги ташкил этилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилган, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари эса лицензия берилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга, давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари ташкил этилган, нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари эса лицензия берилган пайтдан бошлаб 11 йил муддатга аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади.

Бунда нодавлат таълим ташкилоти битиравчиларига давлат намунасидаги хужжат бериш ҳукуқи унинг аризасига мувофиқ аккредитациядан ўтказилгандан сўнг берилади.

Ушбу банднинг биринчи хатбоисига мувофиқ белгиланган муддатлар тугаганидан сўнг таълим ташкилотлари аккредитациядан ўтказилиши шарт.

7. Лицензияга эга бўлган нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари томонидан давлат намунасидаги маълумот тўғрисидаги хужжат давлат таълим стандартлари асосида таълим олган битиравчиларга берилади.

Давлат таълим стандартларидан ташқари таълим дастурлари асосида таълим олган нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари битиравчиларига давлат намунасидаги маълумот тўғрисидаги хужжат берилмайди.

8. Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат:

аттестациядан ўтказиш жараёнига тайёргарлик қўриш;

таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;

аттестация натижаларига кўра таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш;

аттестация натижалари бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш;

таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга ошириш.

9. Таълим ташкилотлари аттестациядан ушбу Низомга 2-иловада белгиланган мезонлар асосида ўтказилади.

## **2-боб. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

10. Аттестация мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида Вазирлик томонидан ташкил этилади.

Аттестация таълим ташкилотларининг фаолиятини **ички ва ташки баҳолашдан иборат икки босқичда ўтказилади**.

Таълим ташкилотларининг фаолиятини **ички баҳолаш** таълим ташкилотлари томонидан ўзини ўзи баҳолаш ҳисобланади.

Таълим ташкилотларининг фаолиятини ташқи баҳолаш ички баҳолаш ўтказилганидан кейин уларнинг фаолиятини Вазирлик ёки таълим ташкилотларининг мурожаатига кўра республикада тан олинган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан баҳолаш ҳисобланади.

11. Кўйидагилар таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолашнинг асосий мақсади ҳисобланади:

таълим ташкилотлари фаолиятини аттестация кўрсаткичлари ва мезонлари асосида баҳолаш;

таълим ташкилотларида таълим сифати ва мазмунининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

таълим ташкилотларининг фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш;

таълим ташкилотларини ташқи баҳолашга тайёрлаш.

12. Ички баҳолаш таълим ташкилотлари раҳбарларининг буйруғи билан ташкил этиладиган ички баҳолаш комиссиялари томонидан ушбу Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

13. Таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш ташқи баҳолашдан камида икки ой олдин ўтказилади. Ички баҳолаш жараёнлари 24 иш кунигача давом этиши мумкин.

14. Таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш учун аттестация комиссиялари ташкил этилади.

15. Аттестация комиссиялари томонидан таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш 3 иш кунигача муддатда амалга оширилади.

16. Мактабгача таълим ташкилотлари 5 йилда, умумий ўрта таълим ташкилотлари эса 11 йилда камида бир марта мажбурий тарзда аккредитация муддати келганда аттестациядан ўтказилади.

Бунда фаолият юритаётган мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари амалдаги аккредитация сертификатининг муддати тугаганидан сўнг мос равишда 5 ва 11 йил муддатга аккредитациядан ўтказилади.

Таълим ташкилотлари таркибидаги филиаллар аттестацияси таълим ташкилотлари аттестацияси билан бир вактда ўтказилади.

Таълим ташкилотлари муддатидан олдин аттестация ва аккредитациядан шартнома асосида ўтиши мумкин.

17. Аттестация жараёнида таълим турлари бўйича таълим ташкилотларининг охирги икки йиллик фаолиятини комплекс таҳлил қилиш қўйидаги баҳолаш соҳалари бўйича ўрганилади:

**1) мактабгача таълим ташкилотларида:**

таълим-тарбия жараёни;

бошқарув сиёсати ва кадрлар салоҳияти;

ривожлантирувчи таълим муҳити;

жамоатчилик ва ҳамкорлик;

**2) умумий ўрта таълим ташкилотларида:**

ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги;

таълим сифати кўрсаткичлари;

ўқув жараёнини ташкил этиш ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги;

таълим таъминоти ва АКТ инфратузилмаси;

жамоатчилик билан ҳамкорлик ва тарғибот ишлари;

хавфсизлик.

18. Ташкил баҳолаш жараёнида ички баҳолаш натижалари, дарс жараёнлари ва таълим фаолияти таҳлил қилинади, битирувчи синф (4, 9 ва 11-синфлар) ўқувчиларидан назорат ишлари олинади ва тарбияланувчиларнинг ривожланиши кузатилади.

Битирувчиларнинг билим даражасини аниқлаш ва тарбияланувчиларнинг ривожланишини кузатиш Вазирлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бунда баҳолашнинг янги тизими (форматив ва сумматив баҳолаш усули) жорий этилган умумий ўрта таълим ташкилотларида битирувчи синф (9 ва 11-синф) ўқувчиларининг ўзлаштириш натижалари ҳисобга олинади. Битирувчиларни баҳолаш жараёнига нодавлат баҳолаш ташкилотлари жалб этилиши мумкин.

Таълим ташкилотлари фаолияти республикада тан олинган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан баҳоланган тақдирда, баҳолаш тартиби халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Аккредитация комиссиясининг қарорига мувофиқ таълим ташкилотларининг аккредитацияси жойига чиқмасдан ҳам ўтказилиши мумкин.

20. Нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Аттестациядан ўтказганлик учун тўлов Вазирликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварагига ўтказилади ва аттестация билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун йўналтирилади.

21. Аккредитациядан ўтказиладиган таълим ташкилотлари рўйхати аккредитация муддати тугайдиган йилдан олдинги йилнинг 1 октябрига қадар белгиланган тартибда Вазирлик томонидан тасдиқланади.

Бошқа вазирликлар ва идоралар тизимидағи таълим ташкилотларининг аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги аризалари бўйсунувига кўра тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилиниб, рўйхат асосида ҳар йили 1 октябрга қадар Вазирликка тақдим этилади.

22. Нодавлат таълим ташкилотлари аттестациядан ўтказиш тўғрисида Вазирликка қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ариза билан мурожаат қиласи:

таълим ташкилотининг тўлиқ ва қисқартирилган номи, жойлашган жойи, телефон рақами, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти ва электрон почта манзили тўғрисидаги маълумот (филиали мавжуд бўлган таълим ташкилоти маълумотларни филиал бўйича ҳам тақдим этади);

солиқ тұловчининг идентификация рақами.

23. Тизимида давлат таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идоралар аттестациядан ўтказиш жадвалини ҳамда аттестацияга оид бошқа ҳужжатларни таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолашдан камида икки ой олдин Вазирликдан, нодавлат таълим ташкилотлари эса Вазирликнинг ҳудудий бошқармаларидан оладилар.

Давлат таълим ташкилотларида ички баҳолаш ҳар йили амалга оширилади ва натижалари туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ёки Вазирликнинг ҳудудий бошқарма раҳбарларининг электрон рақамли имзоси билан онлайн аккредитация платформасига жойлаштириб борилади.

Таълим ташкилотлари фаолиятини ички ва ташқи баҳолаш натижасида тўпланган маълумотлар ва материаллар қоғоз шаклида ҳам сўраб олиниши мумкин.

Таълим ташкилотлари фаолияти ташқи баҳолангандан камида бир ой олдин Вазирликка юборилади ва онлайн аккредитация платформасига жойлаштирилади.

Белгиланган муддатда ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги ёки ҳужжатлардаги камчиликларнинг бартараф этилмаслиги таълим ташкилотининг аттестациядан ўтказилмаслигига асос бўлади.

24. Таълим ташкилотлари фаолиятини ички ва ташқи баҳолаш натижасида тўпланган маълумотлар ва материаллар Вазирликка қуидаги шакллардан бирида тақдим этилади:

а) қоғоз шаклида – ташкилотларининг ишончли вакили ёки почта алоқаси хизмати орқали;

б) электрон шаклда – туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғининг электрон рақамли имзоси билан Вазирликнинг онлайн аккредитация платформаси орқали.

25. Вазирликнинг ҳудудий бошқармаларида аттестациядан ўтувчи таълим ташкилотига оид аттестация ва аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ бўлган қуидаги ҳужжатлар йиғмажилди жамланади:

аттестация комиссиясини тузиш ҳақидаги буйруқ;

аттестация натижалари бўйича комиссия хулосаси;

аккредитация бўйича Вазирлик буйруғи;

аттестация ва аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар.

Ҳужжатлар йиғмажилди навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар (электрон ёки қоғоз шаклида) сақланади.

### **3-боб. Аттестация комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг таркиби**

26. Аттестация комиссияларининг таркиби Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади.

Аттестация комиссиялари таркибига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, хорижий эксперталар ҳам жалб этилиши мумкин. Бунда бир ҳудудда бир неча аттестация комиссиялари фаолияти йўлга қўйилиши мумкин.

Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш учун ташкилот жойлашган ҳудуддаги аттестация комиссияси таркибидаги эксперталар жалб этилади.

27. Аттестация комиссиялари томонидан таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш учун эксперталар рўйхати тасдиқланади ҳамда мазкур рўйхатга киритилган эксперталар аттестация жараёнларига жалб этилади.

Экспертларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг иш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

28. Бошқа вазирлик ва идоралар тизимидағи таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш учун аттестация комиссиялари таркибига тегишли вазирлик ва идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмалари мутахассислари, таълим ташкилотларининг педагог ходимлари жалб этилиши мумкин.

29. Давлат таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича эксперталар комиссиялари аъзоларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлар уларнинг асосий иш жойи маблағлари ҳисобига қопланади.

Бунда тегишли бюджет ташкилотларидан жалб қилинган эксперт комиссиялари аъзоларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатлари ушбу бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметасида хизмат сафари учун назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказишга жалб этилган эксперталар меҳнати асосий иш жойи ва ўртacha иш ҳақи сақланган ҳолда, Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан соатбай ҳақ тўлаш тартибида рағбатлантирилади.

Умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини баҳолашга жалб этилган эксперталар учун дарс таҳлили, назорат иши ўтказилиши ҳамда назорат ишларини баҳолаш соатлари, мактабгача таълим ташкилотларини баҳолашга жалб этилган эксперталар учун машғулот таҳлили, тарбияланувчиларни кузатиши ҳамда сўровнома ўтказиш ва ҳужжатлар таҳлили соатлари ҳисобланади.

Бунда эксперталарнинг тегишли тоифалари бўйича ўқитувчиларга, тоифага эга бўлмаган эксперталар бўйича эса олий маълумотли ўқитувчиларга ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари ҳисобга олинади.

Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказишга эксперт сифатида жалб этилган ўқитувчилар ва бошқа педагоглар қуидаги имтиёзларга эга бўладилар:

эксперт сифатида фаолият кўрсатган даврида мажбурий малака оширишдан озод этилади;

таълим ташкилотлари фаолиятини баҳолаш борасидаги фаолияти туман (шаҳар) миқёсида оммалаштирилган ҳисобланади;

эксперт сифатидаги фаолияти туман (шахар) миқёсида ўкув семинарлари ёки методик бирлашмаларда методик ишланмалар билан иштирок этганлигига тенглаштирилади.

30. Аттестация комиссияларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:  
таълим ташкилотининг фаолиятини ички баҳолаш натижалари бўйича олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш;

таълим ташкилоти таълим сифати ва мазмунининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқлиги ҳамда кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш;

таълим сифатини ошириш ва таълим хизматларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш юзасидан хулоса тайёрлаш ҳамда Вазирликка тақдим этиш.

31. Таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш комиссиялари томонидан тегишли ташкилотларга бормай, улар томонидан тақдим этилган маълумотлар ва материалларни ўрганиш асосида Вазирликда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Аттестация комиссиялари аъзоларига ўкувчиларнинг эришган натижалари, улар томонидан фанларни ўзлаштириши ҳолати ва таълим фаолияти билан боғлиқ бошқа маълумотларни олиш учун таълим фаолиятини бошқаришда фойдаланиладиган электрон платформалардан фойдаланишга рухсат берилади.

Таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотлар давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўкув дастурларига мос келмаслиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, аттестация комиссиялари томонидан мазкур Низомга иловада белгиланган баҳолаш мезонларидан келиб чиқсан асословчи қўшимча маълумотлар сўраб олиниши мумкин. Таълим ташкилотларининг раҳбарлари аттестация комиссиялари томонидан сўралган маълумотлар ва хужжатларни тақдим этишлари шарт.

Хужжатларнинг белгиланган муддатларда тақдим этилмаслиги ёки тақдим этилган хужжатларда ҳаққоний бўлмаган маълумотларнинг мавжудлиги таълим ташкилотларига “аттестациядан ўтмади” деб хулоса берилишига асос бўлади.

32. Давлат таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш бўйича аттестация комиссиялари аъзоларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар уларнинг асосий иш жойи маблағлари ҳисобига қопланади.

Бунда тегишли бюджет ташкилотларидан жалб қилинган аттестация комиссиялари аъзоларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатлар ушбу бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметасида хизмат сафари учун назарда тутилган маблағлар доирасида факат суткалик ва транспорт харажатлари доирасида қоплаб берилади.

#### **4-боб. Аттестация якунлари**

33. Таъки баҳолаш натижалари асосида аттестация комиссиялари томонидан таълим ташкилотларида таълим сифатининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқлиги юзасидан хulosса тайёрланади.

Бунда таълим ташкилотларининг тегишли йўналиш бўйича ўкув жараёнини амалга оширишга тайёрлиги юзасидан ваколатли органлар томонидан берилган хulosалар Вазирлик сўровига мувофиқ 5 иш куни ичида онлайн платформага жойлаштирилади.

Хulosса беришга ваколатли органлар томонидан тегишли хulosани тақдим этиш учун обьектларни жойига чиқиб ўрганиш талаб этилса, фақат ўзининг фаолият йўналишига тегишли қисми бўйича ўрганиш ўтказиши мумкин. Таълим ташкилотлари жойига чиқиб ўрганиш учун хulosса беришга ваколатли органларга тегишли шароитларни яратиб бериши керак.

Ваколатли органлар белгиланган муддатларда хulosса тақдим этмаган ҳолларда, ижобий хulosса олинган деб ҳисобланади ва ички баҳолаш натижалари эътиборга олинади. Бунда хulosса беришга ваколатли органлар юзага келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

34. Аттестация комиссиялари таълим ташкилотлари раҳбарияти билан биргалиқда ташкилот фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Вазирлик аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қиласди.

Таълим ташкилотлари томонидан чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисботлар ҳар йил якунида онлайн платформага киритиб борилади.

Аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, таълим ташкилотига берилган аккредитация сертификати бекор қилинади. Бунда таълим ташкилоти навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади.

35. Мактабгача таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра:

а) “аттестациядан ўтди” деган хulosса қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда берилади:

ривожланиш даражаси кузатилган тарбияланувчиларнинг 55 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланса;

мактабгача таълим ташкилоти аттестациядан ўтказиш мезонларида белгиланган умумий баллнинг 55 фоизи ва ундан кўпини тўплаганда;

б) “аттестациядан ўтмади” деган хulosса қуйидаги ҳоллардан бири содир бўлганда берилади:

ривожланиш даражаси кузатилган тарбияланувчиларнинг 45 фоизи ва ундан кўпи қониқарсиз баҳоланса;

мактабгача таълим ташкилоти аттестациядан ўтказиш мезонларида белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан кам балл тўпласа;

ички баҳолаш жараёнлари ўз вақтида ўтказилмагандан, хужжатлар белгиланган муддатларда Аттестация комиссиясига тақдим этилмагандан ёки хужжатларда ҳаққоний бўлмаган маълумотлар мавжудлиги аниқланганда.

36. Мактабгача таълим ташкилотлари “аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилганда:

давлат мактабгача таълим ташкилоти директорининг малакаси етарли эмас деб топилади ҳамда иш берувчи томонидан у билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади;

давлат мактабгача таълим ташкилотидаги фаолиятига бир йил тўлмаган директор мажбурий равишда навбатдан ташқари малака оширишга юборилиб, давлат мактабгача таълим ташкилоти бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилоти унинг натижаларига кўра аттестациядан ўтмаган тақдирда, директор билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади;

давлат-хусусий шериклик (оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари бундан мустасно) асосидаги ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари лицензиясининг амал қилиши қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилади.

“Аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилган ҳамда лицензиясининг амал қилиши қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини бошқа давлат мактабгача таълим ташкилотларига кўчириш чоралари кўрилади.

37. Умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра:

а) “аттестациядан ўтди” деган хулоса қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда берилади:

назорат ишларида қатнашган ўқувчиларнинг 55 фоизи ва ундан кўпи ижобий баҳоланса (баҳолашнинг янги тизими жорий этилган мактаблар учун эса, ушбу мактабнинг 9 ва 11-синфлари ўқувчиларинг камида 55 фоизи қониқарли баҳоланган бўлса, бунда 4-синфда ўтказилган назорат ишлари натижаси умумий натижага қўшилади);

умумий ўрта таълим ташкилоти аттестациядан ўтказиш мезонларида белгиланган умумий баллнинг 55 фоизи ва ундан кўпини тўплаганда;

б) “аттестациядан ўтмади” деган хулоса қуйидаги ҳоллардан бири содир бўлганда берилади:

назорат ишларида қатнашган ўқувчиларнинг 45 фоиздан кўпи қониқарсиз баҳоланса (баҳолашнинг янги тизими жорий этилган мактаблар учун эса, ушбу мактабнинг 9 ва 11-синфлари ўқувчиларинг 45 фоиздан кўпи қониқарсиз баҳоланган бўлса, бунда 4-синфда ўтказилган назорат ишлари натижаси умумий натижага қўшилади);

умумий ўрта таълим ташкилоти аттестациядан ўтказиш мезонларида белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан кам балл тўпласа;

ички баҳолаш жараёнлари ўз вақтида ўтказилмагандар, хужжатлар белгиланган муддатларда Аттестация комиссиясига тақдим этилмагандар ёки хужжатларда ҳаққоний бўлмаган маълумотлар мавжудлиги аниқланганда.

38. Умумий ўрта таълим ташкилоти “аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилса:

а) давлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг:

директори, унинг ўқув ишлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг малакаси етарли эмас деб топилади ҳамда иш берувчи томонидан улар билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади, бундан ташқари ушбу мактаб ўқитувчилари навбатдан ташқари мажбурий аттестацияга жалб этилади, ўқитувчилар аттестацияси қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади;

фаолиятига бир йил тўлмаган директор, унинг ўқув ишлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари мажбурий равища навбатдан ташқари малака оширишга юборилади. Давлат умумий ўрта таълим ташкилоти бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилганда, унинг натижаларига кўра яна аттестациядан ўтмаган тақдирда, директор, унинг ўқув ишлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари билан тузилган меҳнат шартномалари қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади;

б) нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари лицензиясининг амал қилиши қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тугатилади.

“Аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилган ҳамда лицензиясининг амал қилиши қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилган нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари ўкувчиларини бошқа давлат умумий ўрта таълим ташкилотларига кўчириш чоралари кўрилади.

## **5-боб. Халқаро аккредитация ташкилотларини рўйхатга олиш ҳамда уларга қўйиладиган талаблар**

39. Халқаро аккредитация ташкилотларини рўйхатга олиш қуйидаги босқичлардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиш учун Вазирликка ариза тақдим этиш;

Вазирлик томонидан халқаро аккредитация ташкилоти фаолиятини ўрганиш;

ўрганиш натижалари асосида халқаро аккредитация ташкилотларини рўйхатга киритиш бўйича қарор қабул қилиш.

Рўйхатга киритилган халқаро аккредитация ташкилотлари фаолияти уч йил муддатга амал қиласи.

40. Халқаро аккредитация ташкилотларига қўйиладиган асосий талаблар ва рўйхатга киритишнинг шартлари қуйидагилардан иборат:

ушбу йўналишда камида 5 йиллик халқаро тажрибага эга бўлиш;

аккредитациянинг якуний босқичи оффлайн тартибда бўлиши;

халқаро аккредитация ташкилотининг расмий веб-сайтида аккредитациядан ўтказилган таълим ташкилотлари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

халқаро аккредитация ташкилоти Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ва маънавий асосларига мутаносиб бўлиши, миллий-анъанавий қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига қарши бўлмаслиги;

халқаро аккредитация ташкилоти сифатида фаолият юритиши учун таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш йўналишига оид сертификатга эга бўлиш;

умумий экспертларининг камида 30 фоизи хорижий эксперталар бўлиши.

41. Халқаро аккредитация ташкилоти ёки унинг ходимлари таъсисчилигидаги ташкил этилган ёхуд халқаро аккредитация ташкилоти ходими ҳар қандай шартнома асосида фаолият юритадиган таълим ташкилотларининг халқаро аккредитациясидан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

42. Халқаро аккредитация ташкилоти томонидан таълим ташкилотларида ўтказилган баҳолаш хулосасидан бир нусха Вазирликка тақдим этилади.

43. Халқаро аккредитация ташкилотининг ташқи баҳолаш бўйича хулосаларида нотўғри ёки қалбаки ҳужжатлар асосида шакллантирилган маълумотлар, шунингдек, бошқа қонун бузилиш ҳолатлари аниқланса, ташқи баҳолаш натижалари тан олинмайди ва халқаро аккредитация ташкилоти рўйхатдан чиқарилади.

44. Таълим ташкилотлари халқаро аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги ёки унга тенглаштирилган ҳужжатни олганларидан сўнг унинг нусхасини икки ҳафта муддатда Вазирликка тақдим этишлари шарт.

45. Таълим ташкилотларини халқаро аккредитациядан ўтказиш жараёнларида Вазирлик вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин.

## **6-боб. Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш**

46. Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш учун Вазирликда доимий фаолият кўрсатувчи Аккредитация комиссияси тузилади. Аккредитация комиссияси таркиби Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади.

47. Аккредитация таълим ташкилотлари аттестацияси хулосаларига кўра ўтказилади. Аккредитация комиссияси таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари ёки давлат таълим талабларига мувофиқлигини эътироф этиш билан биргаликда унинг мақомини ҳам белгилайди.

48. Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш учун аттестация комиссиялари томонидан аттестация хулосаси Аккредитация комиссиясига тақдим этилади.

49. Аккредитация комиссиясининг қарори қабул қилинишидан олдин аттестация комиссиясининг таълим ташкилотларидағи таълим сифатининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқлиги ҳақидаги ижобий хulosаси Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик марказига келишиш учун тақдим этилади. Бунда Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестация ва аккредитациядан ўтказишга берилган хulosаларни ўрганиб чиқиб, натижаларини Вазирликка юборади.

Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик марказининг таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича салбий хulosаси аккредитация комиссиясининг ушбу таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор чиқариши учун асос бўлади.

50. Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш ёки ўтказмаслик ҳақидаги қарор аккредитация комиссиясига хужжатлар топширилгандан кейин бир ой муддатда қабул қилинади.

Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, икки ҳафта давомида ташкилотнинг аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва ушбу Низомга З-иловада келтирилган шаклдаги сертификат электрон шаклда аккредитация платформаси орқали онлайн генерация қилинади.

Сертификатда таълим ташкилотларининг ташкилий-хуқуқий шакли, тури, мақоми ва сертификатнинг амал қилиш муддати қайд этилади.

Сертификат мактабгача таълим ташкилотларига 5 йил муддатга, умумий ўрта таълим ташкилотларига 11 йил муддатга берилади.

Аккредитация комиссияси ушбу низом талаблари бузилганлиги ҳолатини аниқлаганда, аттестация хulosасидан қатъи назар, таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказмаслиги мумкин.

51. Таълим ташкилоти қайта ташкил этилган (ўзгартириш – қайта расмийлаштириш бундан мустасно) ёки тугатилган тақдирда, аккредитация ҳақидаги сертификат ўз кучини йўқотади.

52. Аккредитациядан ўтган таълим ташкилоти доимий равища таълим сифатини таъминлаши шарт ва бу жараён Вазирлик томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.

Бунда давлат таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган аккредитация мониторинги амалга оширилади.

Мониторинг натижаларига кўра таълим сифатида пасайиш кузатилган давлат таълим ташкилотлари фаолияти алоҳида режага мувофиқ жойига чиқкан ҳолда ўрганилади.

53. Аккредитациядан ўтган таълим ташкилотлари Вазирликда ҳисобга олинади ҳамда аккредитация реестрига киритилади.

Таълим ташкилотлари янги ташкил этилганда, қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда, Вазирликнинг худудий бошқармалари томонидан (бошқа вазирлик ва идоралар таркибида ташкил этилса, улар томонидан), нодавлат таълим ташкилотлари тугатилганда эса муассислар томонидан тегишли қарор нусхаси бир ҳафта муддатда Вазирликка тақдим этилиши лозим.

Вазирлик ушбу хужжатлар асосида аккредитациядан ўтган таълим ташкилотлари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

54. Аттестация хулосасидан норози бўлган таълим ташкилоти раҳбари хулоса имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда апелляция комиссиясига ёзма ёки Вазирликнинг аккредитация платформаси орқали электрон шаклда ариза (шикоят) бериши мумкин.

55. Апелляция комиссияси аттестация бошланишидан олдин Вазирлик буйруғига кўра 5-7 кишидан иборат таркибда тузилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби апелляция комиссиясини ташкил этиши тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

56. Апелляция комиссиясининг мурожаатларни масофадан туриб онлайн тарзда кўриб чиқиши вақтлари тўғрисидаги маълумотлар Вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

57. Апелляция комиссияси таркибига аттестация комиссияси таркибидан аъзо киритилмайди.

Апелляция комиссияси аризаларни (шикоятларни) кўриб чиқиши жараёнига жамоатчилик асосида малакали мутахassisларни жалб этиши мумкин.

Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

58. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

Мурожаат этувчи таълим ташкилоти раҳбари апелляция комиссияси томонидан мурожаати кўриб чиқилиши жараёнида бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши мумкин.

59. Апелляция комиссияси аттестация жараёнларига оид мурожаатни кўриб чиқиб, аттестация натижаларини ўзгартиришсиз қолдириш ёки аттестация натижаларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қиласади.

Апелляция комиссияси қарорининг нусхаси мурожаат этувчи таълим ташкилоти раҳбарига апелляция комиссияси қарори чиқсан кундан эътиборан беш кун муддатда тақдим этилади.

60. Аттестация ва аккредитация натижаларидан норози бўлган таълим ташкилотлари раҳбарлари ёки уларнинг муассислари апелляция комиссиясидан ташқари белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Мактабгача ва умумий ўрта таълим  
ташкilotларини аттестациядан  
ва давлат аккредитациясидан ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Таълим ташкilotларини аттестациядан ва аккредитациядан ўтказиш  
СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-боскич	Вазирлик  Нодавлат таълим ташкilotлари	1. Давлат таълим ташкilotларининг аккредитация муддатини хатловдан ўтказиш натижаларига мувофиқ аттестацияга жалб этиладиган ташкilotлар рўйхатини шакллантириши. 2. Нодавлат таълим ташкilotлари томонидан Вазирликка аттестациядан ўтказиш тўғрисида ариза ва унинг иловаларини тақдим этиш.	Аkkредитация муддати тугайдиган йилдан олдинги йилнинг 1 октябрига қадар
2-боскич	Вазирлик  Вазирлик, Вазирликнинг худудий бошқармалари	1. Шакллантирилган таълим ташкilotларининг рўйхати ҳамда нодавлат таълим ташкilotлари аризаси асосида таълим ташкilotларини аттестациядан ўтказиш жадвалини тасдиқлаш. 2. Тасарруфида таълим ташкilotлари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат таълим ташкilotларига аттестациядан ўтказиш жадвалини ҳамда аттестацияга оид бошка хужжатларни юбориши.	1 ой муддатда  Ташки баҳолаш бошланишидан камида иккى ой олдин
	Давлат таълим ташкilotлари	1. Давлат таълим ташкilotларида комиссиялар тузиш ва ички баҳолашдан ўтказиш. 2. Давлат таълим ташкilotлари фаолиятини ички баҳолаш натижасида тўплаган маълумотлар ва материалларни Вазирликка юбориши.	Ҳар йили камида бир марта  Ташки баҳолаш баҳоланишидан камида бир ой олдин
3-боскич	Вазирлик, тизимида таълим ташкilotлари бўлган бошка вазирлик ва идоралар  Аттестация комиссиялари	1. Вазирлик ва бошка тегишли вазирлик ва идоралар томонидан таълим ташкilotлари фаолиятини ташки баҳолашни амалга оширадиган доимий аттестация комиссияларини ташкил этиш. 2. Аттестация комиссиялари томонидан таълим ташкilotлари фаолиятини ички баҳолаш натижаларини таҳлил килиш. 3. Аттестация комиссиялари томонидан таълим ташкilotлари фаолиятини ташки баҳолашдан ўтказиш.	Низомда белгиланган муддатларда
4-боскич	Вазирлик ва тизимида таълим ташкilotлари бўлган бошка вазирлик ва идоралар	1. Аттестациядан ўтказиш жараёнида аникланган камчиликларни бартараф этиш чоратадбирларини белгилаш. 2. Аттестация натижалари асосида аттестация комиссиялари томонидан таълим ташкilotida таълим бериш сифатининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги ҳақида хуласа тайёрлаш ва аккредитация комиссиясига тақдим этиш.	Ташки баҳолаш якунлангандан кейин иккى хафта муддатда  Ташки баҳолаш якунлангандан кейин бир ой муддатда

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
5-боскич	<p>Аkkредитация комиссияси</p> <p>Таълимни ривожлантириш Республика илмий-методик маркази</p>	<p>1. Аттестация комиссиялари томонидан тақдим этилган маълумотларни умумлаштириш ҳамда Таълимни ривожлантириш Республика илмий-методик марказига тақдим этиш.</p> <p>2. Аkkредитация комиссияси томонидан тақдим этилган таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш натижаларини ҳамда таълим ташкилотларида таълим бериш сифатининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги ҳолатини таҳлил килиш.</p> <p>3. Таълим ташкилотларида таълим бериш сифатининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги тўғрисида маълумотнома тайёрлаш ва Вазирликка тақдим этиш.</p>	<p>Хужжатлар қабул қилингандан кейин икки ҳафта муддатда</p>
6-боскич	<p>Аkkредитация комиссияси</p> <p>Вазирлик</p> <p>Вазирлик</p>	<p>1. Аkkредитация комиссияси томонидан таълим ташкилотларинг аккредитациядан ўтказиш ёки ўтказмаслик ҳақидаги қарор қабул қилиш.</p> <p>2. Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, Вазирлик буйруига мувофиқ таълим ташкилотларини сертификатлаш.</p> <p>3. Аkkредитациядан ўтган таълим ташкилоти ҳакида Вазирлик расмий веб-сайтида ёки оммавий ахборот воситалари эълон қилиш.</p>	<p>Хужжатлар қабул қилингандан кейин икки ҳафта муддатда</p>
7-боскич	<p>Вазирлик ва тизимида таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идоралар</p>	<p>Аттестациядан ўтказиш жараёнида аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларда белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш.</p>	<p>Доимий равишида</p>

Мактабгача ва умумий ўрта таълим  
ташкilotларини аттестациядан ва давлат  
аккредитациясидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

## Таълим ташкilotларини аттестациядан ўтказиш мезонлари

### Мактабгача таълим ташкilotларини баҳолаш мезонлари

#### I. Таълим-тарбия жараёни

1. “Илк қадам” давлат ўкув дастурининг таълим-тарбия жараёнига жорий этилганлиги.
2. Тарбияланувчиларнинг ривожланишини кузатиш жараёнининг ташкил этилганлиги.
3. Ўкув-методик материалларнинг (тарбияланувчиларда фойдаланиш имкониятининг) мавжудлиги ва қўлланилиш даражаси.
4. Мактабгача таълим ташкilotида хавфсиз, ривожлантирувчи ва рағбатлантирувчи таълим муҳитининг ташкил этилиши.
5. Мактабгача таълим ташкilotида алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар учун таълим-тарбия муҳити (инклюзия).

#### II. Бошқарув сиёсати ва кадрлар салоҳияти

#### III. Ривожлантирувчи таълим муҳити

1. Моддий-техник базанинг ҳолати ва тарбияланувчилар ривожланиши учун яратилган шароитлар.
2. Тарбиявий ишлар самарадорлиги.
3. АКТ билан таъминланганлик даражаси ва инфратузилмаси.
4. Овқатлантириш тизимининг мавжуд санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ташкил этилганлиги.

#### IV. Жамоатчилик билан ҳамкорлик

1. Ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик ишлари.
2. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ишлари.

## **Умумий ўрта таълим ташкилотларини баҳолаш мезонлари**

### **I. Ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги**

1. Умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш.

2. Раҳбарият фаолияти ва стратегик режалаштириш.

### **II. Таълим сифати кўрсаткичлари**

1. Ўқитувчилар фаолиятининг асосий йўналишлари.

2. Мактаб ўқувчиларининг академик натижаларини баҳолаш.

3. Мактаб ўқувчиларининг ноакадемик натижаларини баҳолаш.

### **III. Ўқув жараёнини ташкил этиш ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги**

1. Ўқув жараёнининг ташкил этилишини баҳолаш;

2. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги.

### **IV. Таълим таъминоти ва АҚТ инфратузилмаси**

1. Мактабда лаборатория тажрибалари ва амалий машғулотларни ўтказиш имкониятининг мавжудлиги.

2. Умумтаълим муассасасида АТ инфратузилмаси.

### **V. Жамоатчилик билан ҳамкорлик ва тарғибот ишлари**

1. Ота-оналар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги.

2. Тарғибот ишларини йўлга қўйилганлиги.

### **VI. Хавфсизлик**

1. Мактаб ҳудудининг кузатув камералари билан қамраб олинганлиги.

2. Таълим муассасасида ўқувчилар учун хавфсиз ва қулай шароит яратилганлиги.

**Изоҳ.** Уибу мезонлар бўйича баҳолаш кўрсаткичлари, ҳар бир кўрсаткичга ажратилган баллар ҳамда баҳолаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Мактабгача ва умумий ўрта таълим  
ташкилотларини аттестациядан ва давлат  
аккредитациясидан ўtkазиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

## HAMUNA

### O'zbekiston Respublikasi gerbi

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI VAZIRLIGI

#### Davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risida SERTIFIKAT

20\_\_y. "\_\_\_"

№ 00000

Ushbu sertifikat attestatsiya natijalariga ko'ra \_\_\_\_\_ manzilida joylashgan  
(joylashgan joyi)

ning \_\_\_\_\_  
(davlat ta'lif tashkiloti yoki nodavlat ta'lif tashkilotining nomi)

davlat akkreditatsiyasi \_\_\_\_\_  
(davlat ta'lif tashkiloti yoki nodavlat ta'lif tashkilotining turi)

ga \_\_\_\_\_  
(davlat ta'lif tashkiloti yoki nodavlat ta'lif tashkilotining maqomi)

mosligini tasdiqlaydi va bitiruvchilarga mazkur sertifikatga muvofiq ta'lif  
dasturlari, bosqichlari bo'yicha davlat namunasidagi ta'lif to'g'risida hujjatlar berish  
huquqini kafolatlaydi.

Amal qilish muddati \_\_\_\_\_ yil

Maktabgacha va maktab  
ta'lifi vaziri

E.I.

(F.I.O) \_\_\_\_\_

Seriya № 0000

QR kod

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “14” февралдаги 91-сон қарорига  
2-илова

**Давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар  
таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга  
ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда – умумий ўрта таълим ташкилотлари) хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга оширишнинг мақсади умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрларнинг масъулиятини кучайтириш, педагогларнинг касбий маҳоратини ва ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга кўмаклашиш ҳамда ўқитишнинг янги инновацион услубларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этишдан иборат.

3. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги (кейинги ўринларда – таълим сифати мониторинги) деганда, умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим соҳасига оид ахборотлардан фойдаланган ҳолда таълим сифати ёмонлашиш хавфининг юзага келиши ҳолатлари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда таълим тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилмаслигининг эҳтимолий оқибатларини баҳолаш тушунилади.

4. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан амалга оширилади.

5. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги холислик, ошкоралик, мажбурийлик ва даврийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

6. Умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Мазкур Низом талаблари алоҳида таълим эҳтиёjlари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган (ёрдамчи) мактаб ва мактаб-интернатларга, шунингдек, нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

## 2-боб. Таълим сифати мониторингини амалга ошириш

8. Умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги қўйидагилар асосида амалга оширилади:

умумий ўрта таълим ташкилотлари туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари (таркибида умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмалари) томонидан Вазирликнинг таълим сифати мониторинги электрон платформасига (кейинги ўринларда – маҳсус электрон платформа) киритилган маълумотлар ва материалларни таҳлил қилиш;

давлат таълим ташкилотларида ҳар йили амалга ошириладиган ҳамда туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ёки Вазирликнинг ҳудудий бошқарма раҳбарларининг электрон рақамли имзоси билан онлайн аккредитация платформасига жойлаштириб бориладиган ички баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари рейтинги, шу жумладан, “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар асосида баҳолаш натижаларини инобатга олиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилинган материалларни ўрганиб чиқиш.

9. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги маҳсус электрон платформасига ички баҳолаш натижалари бўйича киритилган ҳамда Вазирликда мавжуд бўлган маълумотлар асосида **белгиланган тартибда тасдиқланган баҳолаш мезонларига мувофиқ** амалга оширилади.

10. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга оширишда фойдаланиладиган маълумот ва материаллар умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари (таркибида умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмалари) томонидан **ҳар йили 1 ноябрга қадар** маҳсус электрон платформага жойлаштирилади.

Маҳсус электрон платформадан фойдаланиш учун туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига (таркибида умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмаларига) алоҳида логин ва пароль берилади.

Умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари маҳсус электрон платформасидан фойдаланишга масъул бўлган ходимларни белгилайди ва уларнинг ҳисобини юритади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилинган материаллардаги таълим сифатининг пастлигига оид маълумотлар Вазирлик томонидан таҳлил қилинади ва таълим сифати мониторингини аниқлашда ҳисобга олинади.

11. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги **ҳар йили 1 декабрга қадар** Вазирлик томонидан амалга оширилади.

Зарур ҳолларда, Вазирлик бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, нодавлат ташкилотлар вакилларини жалб қилган ҳолда, маълумотларнинг ҳаққонийлигини жойига чиқиб ўрганиши мумкин.

12. Ўрганишлар натижасида маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда, бу ҳақда Вазирлик туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбарини (таркибида умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмаларини) камчилик аниқланган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги огоҳлантиради ҳамда мониторинг якуни бўйича тақдимномада нотўғри маълумот берган шахсга нисбатан тегишли чоралар қўриш юзасидан таклифлар беради.

13. Хавф-хатарлар таҳлилига кўра умумий ўрта таълим ташкилотлари қуйидаги уч тоифага бўлинади:

фаолият самарадорлиги даражаси **юқори**;

фаолият самарадорлиги даражаси **ўртача**;

фаолият самарадорлиги даражаси **паст**.

14. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга оширишда ҳисобот давридаги бир йиллик фаолият ҳисобга олинади ва индикатор ўзгариши динамикаси бўйича тегишли йўналишда таълим сифатининг ошишига кўра баҳо берилади.

15. Умумий ўрта таълим ташкилоти хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини баҳолаш мезонлари бўйича умумий баллнинг 70 фоизи ва ундан кўп балл тўпласа, унинг **фаолият самарадорлиги даражаси юқори** деб ҳисобланади.

Бунда умумий ўрта таълим ташкилотининг фаолият самарадорлиги даражаси юқори деб ҳисобланishi учун мониторинг ўтказиладиган йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим сифатининг пастлиги тўғрисида ўз тасдиғини топган бирорта ҳам хабар мавжуд бўлмаслиги лозим.

16. Умумий ўрта таълим ташкилоти хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини баҳолаш мезонлари бўйича умумий баллнинг 30 фоизи ва ундан кам балл тўпласа, унинг **фаолият самарадорлиги даражаси паст** деб ҳисобланади.

17. Фаолият самарадорлиги даражаси юқори ёки паст деб ҳисобланмаган, яъни таълим сифати мониторингини баҳолаш мезонлари бўйича умумий баллнинг 31–69 фоизи оралиғида тўплаган умумий ўрта таълим ташкилотининг **фаолият самарадорлиги даражаси ўртача** деб ҳисобланади.

18. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги натижасига кўра фаолияти самарадорлиги даражаси юқори ва паст деб топилган умумий ўрта таълим ташкилотларининг рўйхати Вазирлик томонидан ҳар йили **20 декабрга қадар** тасдиқланади.

19. Фаолияти самарадорлиги даражаси кетма-кет уч йил давомида юқори бўлган умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини ташкил этишга уч **йил муддатга мораторий** жорий қилинади (потенциал коррупциоген ҳолатлар бундан мустасно).

Умумий ўрта таълим ташкилотларининг фаолият самарадорлиги даражаси **ҳар йили 30 декабрга қадар** Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

20. Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги натижаларига кўра фаолияти самарадорлиги даражаси паст деб топилган умумий ўрта таълим ташкилотларининг фаолияти Вазирлик томонидан алоҳида режага мувофиқ жойига чиқсан ҳолда ўрганилади.

Жойига чиқиб ўрганиш натижалари асосида умумий ўрта таълим ташкилотининг фаолиятига оид маълумотнома тайёрланиб, тегишлилиги бўйича вазирлик, идора ёки ҳокимликларга тақдим этилади.

### **3-боб. Таълим сифатини мониторинг қилиш натижаларига асосан чоралар қўриш**

21. Жойига чиқиб ўрганиш натижалари бўйича тайёрланган маълумотнома асосида туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими (умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмалари) томонидан умумий ўрта таълим ташкилоти учун унинг фаолияти самарадорлигини яхшилаш бўйича “йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) ишлаб чиқилади.

“Йўл харитаси” тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан тасдиқланади.

“Йўл харитаси”да ундаги чора-тадбирларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, амалга ошириладиган вазифаларнинг ижрочилари ва аниқ муддатлари белгиланади.

22. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари (умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмалари) “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этади ҳамда унинг ижроси юзасидан умумий ўрта таълим ташкилотига кўмаклашади.

23. Ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар унда белгиланган муддатларда амалга оширилишини назорат қилиб боради.

Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари (умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмалари) “Йўл харитаси” бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва материалларни Вазирликнинг маҳсус электрон платформасига жойлаштириб боради.

Заруратга кўра, Вазирлик томонидан умумий ўрта таълим ташкилотининг фаолиятига оид маълумот ва материаллар жойига чиққан ҳолда ўрганилиши мумкин.

24. Вазирлик худудий бошқармалари “Йўл харитаси”нинг ижроси юзасидан:

туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига топшириқларни кечиктириб бажарган ёки лозим даражада бажармаган умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, уларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўллаш ҳамда умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим сифатини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этишда кўмаклашиш тўғрисида Вазирликка маълумотномалар киритади;

умумий ўрта таълим ташкилотини аттестациядан ўтказиш режасига киритади ва навбатдан ташқари аттестациядан ўтказади.

25. Вазирлик ва тизимида умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идоралар биргаликда таълим сифатини таъминлашга қаратилган ишлар самарадорлигини мунтазам равищда мониторинг қилиб боради ҳамда уни такомиллаштириб бориш чораларини кўради.

26. Маҳсус электрон платформага киритилган умумий ўрта таълим ташкилотларига оид маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишлилиги бўйича мактабгача ва мактаб таълими худудий бошқармалари, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими (умумий ўрта таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул таркибий бўлинмалари) ҳамда умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбарлари масъул ҳисобланади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

27. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторингини амалга ошириш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
<b>I. Таълим сифати мониторингини амалга ошириш</b>			
1-босқич	Тизимида умумий ўрта таълим ташкилоти бўлган бошқа вазирлик ва идоралар, туман (шахар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари	Таълим даражаси паст бўлган умумий ўрта таълим ташкилотларини аниқлашда фойдаланиладиган маълумот ва материалларни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан юритиладиган маҳсус электрон платформага жойлаштириш.	Ҳар йили 1 ноябрга қадар
2-босқич	Вазирлик	Маҳсус электрон платформага жойлаштирилган маълумотларни, умумий ўрта таълим ташкилотлари рейтинг натижалари, “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар асосида баҳолаш натижалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим сифатининг пастлигига доир мурожаатларини, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилинган материаллардаги таълим сифатининг пастлигига оид маълумотларни хавф-хатарлар таҳлилига асосланган мониторингини амалга ошириш.	Ҳар йили 1 декабрга қадар
3-босқич	Вазирлик	Хавф-хатарлар таҳлилига асосланган мониторинг натижаларига кўра фаолият самарадорлиги юқори ва паст деб ҳисобланган умумий ўрта таълим ташкилотлари рўйхатини тасдиқлаш. Фаолият самарадорлиги даражаси юқори ва паст бўлган умумий ўрта таълим ташкилотлари рўйхатини расмий веб-сайтида эълон қилиш.	Ҳар йили 20 декабрга қадар  Ҳар йили 30 декабрга қадар
4-босқич	Вазирлик	Фаолият самарадорлиги паст деб ҳисобланган умумий ўрта таълим ташкилотларининг фаолиятини жойига чиқкан ҳолда ўрганади ҳамда ўрганиш натижаларига оид маълумотномани тайёрлаб, тегишлилиги бўйича вазирлик ёки идорага тақдим этиш.	Алоҳида режага мувофиқ

**II. Таълим сифатини мониторинг қилиш натижаларига асосан чоралар кўриш**

<b>5-босқич</b>	<p>Тизимида умумий ўрта таълим ташкилоти бўлган бошқа вазирлик ва идоралар, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари</p>	<p>Фаолият самарадорлиги паст деб хисобланган умумий ўрта таълим ташкилотларининг ҳар бири учун алоҳида фаолият самарадорлигини яхшилаш юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши.</p>	<p>Маълумотнома тақдим этилгандан бошлаб 5 кун муддатда</p>
<b>6-босқич</b>	<p>Вазирлик ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари</p>	<p>Фаолият самарадорлиги паст деб хисобланган умумий ўрта таълим ташкилотларининг ҳар бири учун алоҳида фаолият самарадорлигини яхшилаш юзасидан “йўл харитаси”ни тасдиқлаши.</p>	<p>“Йўл харитаси” тақдим этилгандан бошлаб 5 кун муддатда</p>
<b>7-босқич</b>	<p>Тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари ва мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари</p>	<p>“Йўл харитаси”да белгиланган чоратадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этади ҳамда унинг ижроси юзасидан умумий ўрта таълим ташкилотига кўмаклашиш.</p>	<p>“Йўл харитаси”да белгиланган муддатларда</p>
<b>8-босқич</b>	<p>Вазирлик</p>	<p>“Йўл харитаси”да белгиланган чоратадбирларнинг ижросини назорат қилиш.</p>	<p>“Йўл харитаси”да белгиланган муддатларда</p>

